

Тўра Боболовнинг Ангор тумани Қўштегирмон маҳалласидаги 4- мактабда ўтказган учрашуви



Конституциявий ислохотлар ёшлар нигоҳида

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Матбуот хизмати July 23, 2022

Вилоят ҳокими Тўра Боболовнинг Ангор тумани Қўштегирмон маҳалласидаги 4-мактабда ўтказган учрашуви ҳам ана шу мавзуга бағишланди.




Фото Шерзод Қодиров

Очиқ мулоқотда вилоят раҳбари Конституцияга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мамлакатимизни янги босқичда ривожлантиришдаги ўрни, инсон қадрини улуғлашдаги аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритди. Ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши кутилаётган модда ҳамда нормалар ҳақида маълумот берди.




Фото Шерзод Қодиров

Учрашувда Қадимий Ангор маҳалласида яшайдиган Тошпўлат бобо Қурбонназаров, фермер, Ўзбекистон Қаҳрамони Исахон Баҳрамов, Навбахор маҳалласи ёшлар етакчиси Шаҳриёр Қаҳҳаров ва бошқалар Бош Қомусимизга киритилиши кутилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳусусида фикр билдирди. Кейинги йилларда Ангор тумани ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз берган улкан ўзгариш ва янгиланишлардан фахр ҳиссини туйиб яшаётганини эътироф этди.



Фото Шерзод Қодиров



Фото Шерзод Қодиров




Фото Шерзод Қодиров

Очиқ мулоқотда “Ёш китобхон оила” кўрик-танлови, вилоят ҳокими соврини учун “Заковат” интеллектуал ўйини ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари ўртасида шашка мусобақаси ташкил этилди. Вилоят ҳокими Маданият маҳалласида яшайдиган 1-гурӯх ногирони Ўрол Алламуродов билан шашка ўйнади. У билан суҳбатлашиб, муаммоларини сўради. Унга ногиронлик аравачаси берилди.



Фото Шерзод Қодиров



Фото Шерзод Қодиров

Мутасаддиларга кўчаларни кўздан кечириб, текис, равон йўл барпо этиш вазифаси юкланди. Қорасув маҳалласилик иккинчи гуруҳ ногирони Зафар Тошмуродов енгил констирукцияли иншоот қуриб, аҳолига компьютер хизматлари кўрсатишни йўлга қўйишда ёрдам сўради. Бу лойиҳа ҳомийлик асосида амалга ошириладиган бўлди.




Фото Шерзод Қодиров

Тадбир якунида “Ёш китобхон оила” кўрик-танлови, вилоят ҳокими соврини учун ўтказилган “Заковат” интеллектуал ўйини ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар

фарзандлари ўртасида ташкил этилган шашка мусобақаси ғолиблари муносиб тақдирланди.




Фото Шерзод Қодиров

[Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Матбуот хизмати](#)